



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАМРОВИ ВА ТЕЗКОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 май куни давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлигига оид тақдирот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ, 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурда Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, янги концепция асосида ишлашни бошлаган эди. Утган вақт мобайнида агентлик тизими такомиллашиб, хизмат қамрови кенгайиб борди.

Хусусан, энди иш бошланган пайтда хизмат турлари 37 та эди, бугунги кунда улар 157 тага етган. Аҳолига кунига ўртача 57 мингтадан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Бунинг учун 117 та қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, соҳа ислоҳ қилинди. 70 дан зиёд давлат хизмати соддалаштирилди. Талаб этилаётган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 500 кундан 271 кунга қисқартирилди. Буларнинг барчаси аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Худудларда давлат хизматлари марказлари учун 145 та янги бино ва 115 та филиал барпо этилди. Фуқаролик ҳолати далолатномалари архивидаги 60 миллион дона қоғоз шаклидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Шу билан бирга, хизматлар қамрови ва тезкорлигини ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Масалан, зарур маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилмаганлиги сабабли атиги 11 фоиз хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловаси орқали 30 турда хизмат кўрсатиш мумкин, холос. Ундан атиги 11 таси интерактив хизматлар. Электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш ривожланмаган.

Тақдиротда шу каби муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари соҳани янада ривожлантириш, аҳолига қулайликларни ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Хорижий тажриба асосида, шу йил якунига давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилмаётган хизматлар сони 200 тага етказиш вазифаси қўйилди. Барча 716 та давлат хизматини инвентаризация қилиб, уларнинг муддатлари, тўлов миқдорлари, шартлари ва бошқа талабларини соддалаштириш бўйича кўрсатма берилди.

— Давлат идораларининг халқимизга хизмати одамларни рози қилишнинг асосларидан бири. Қайси қишлоқда, маҳаллада қайси хизматга эҳтиёж борлигига қараб, шунга шароит яратиш керак. Қайси хизматларни арзонлаштириш, қайсиларини бепул қилиш масаласини таҳлил этиб, аҳолига енгиллик ва қулайлик яратиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Идоралараро интеграция даражасини ошириш, бунинг учун давлат хизматларига тўловларнинг 20 фоизини ташкилотларнинг ахборот технологиялари тизимини ривожлантиришга йўналтириш, қоғоз шаклидаги архив ҳужжатларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Электрон рақамли имзо билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари порталининг мобил иловасини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тўловларда chegirma бериш чоралари белгиланди.

ЎЗА

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ



Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кирганига бир ой бўлди.

Маълумки, дастурга тўлиқ аъзо бўлган давлат Европа Иттифоқи (ЕИ) бозорларида 3 000 га яқин маҳсулотларни божхона тўловларисиз, 3 200 дан ортиқ турдаги товарларни эса пасайтирилган ставкалар бўйича экспорт қилиш имкониятига эга бўлади. Унга киришдан олдин манфаатдор мамлакат зиммасига муайян шартларни бажариш вазифаси юкланади. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ва асосий меҳнат стандартлари соҳасида 16 та, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув соҳасида 11 та — жами 27 халқаро конвенцияни ратификация қилиши ва самарали амалга ошириши лозим.

▶ Давоми 4-бетда

ИНСОН ВА ТАБИАТ

МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Иқтисодиёт тармоқларининг жадал тараққиёти даврида экологик омилларни инобатга олишнинг долзарб жиҳатлари хусусида



Алишер МАҚСУДОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси

Ҳар бир халқ эртанги кунини янада порлоқ кўриш, фаровон турмуш учун муносиб шароит яратишга интилади. Келажак авлод олдидаги улкан масъулият эса бу борадаги интилишларнинг устувор йўналишларини табиий талаб тарзида кун тартибига қўяди.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва бугун ижобий натижаси яққол кўринаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси босқичма-босқич, тадрийжийлик тамойилига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилаётгани ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ёрқин далилидир. Буни нуфузли экспертлар ҳам эътироф этади. Уларнинг фикрича, янги Ўзбекистондаги янги ислохотлар том маънода изчиллик ва уйғунлик пойдеворига қурилган.

▶ Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда маънавий қадр-иятларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, буюк аجدодларимизнинг бой илмий-маърифий меросида улғунган, халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган инсонларварлик, шукроналик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтириш ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш мақсадида:

2021 йил 13 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўндаларни ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонида ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 14-15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белги-ланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ!

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТ ТАРҒИБОТЧИСИ СИФАТИДА ТАНИЛДИ



Кутбиддин БУРХОНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси
раиси

Тарихда шундай шахслар бўладики, уларнинг номи йиллар, асрлар ўтса-да, унутилмайди. Гап шу ҳақда кетганида тинчлик, озодлик, юрт равнақи йўлида заҳмат чеккан инсонларни хотирлаймиз. Уларнинг бемисл жасоратидан фахрланамиз, куч оламиз. Тинчлик ва осойишталикнинг қадрини англаб етамиз. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш, фахрийларимизни ардоқлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз замирида шундай буюк ҳаётий ҳикмат мужассам.

Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Ғалаба боғида бўлиб ўтган тантанали маросимда таъкидлаганидек, орадан қанча йиллар, асрлар ўтмасин, ота-боболаримизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган матонатини халқимиз ҳаммиса

қалбида, хотирасида сақлайди, бу жасорат ёшларимиз учун абадий ибрат намунаси бўлиб қолади. Шу боис, бугунги кунда тарихимизнинг ушбу шонли саҳифаларини асл ҳолича ўрганиш ва келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жанг майдонларидан эсон-омон қай-

тиб келган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, орамизда соғ-саломат юрган нурунийларимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Уларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

▶ Давоми 2-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСINI ТАЪМИНЛАЙДИ



Илҳом МАҲҚАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони давлат идоралари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, авваллари айнан раҳбар ходимларнинг шахсий жавобгарлик тизими мукамал бўлмагани натижасида берилган топшириқлар ижро этилмагани ёки муддати ўтиб бажарилиши каби ҳолатлар кузатилади.

Президентимиз фармони билан бундай ҳолатларнинг олди олинмоқда. Бугунги замон талаби бошқача, бугунги раҳбар масъулияти юксак. Чунки давлат ҳокимиятининг жамият олдидаги энг асосий вазифаси си-

фатида аҳоли ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш бўйича ислохотларнинг натижадорлиги бевосита уларни амалга оширишга қаратилган ҳужжатлар, қарорларни ижро этиш бўйича интизомнинг қатъийлигига боғлиқ. Айнан давлат идоралари ва ташкилотларидаги ижро интизими ҳолатидан келиб чиқиб ҳар бир тармоқнинг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бошланғичи 1-бетда

Шу маънода бугун Транспорт вазирлиги тизими ҳам жиддий ўзгаришларга учраётганини айтмоқчиман.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги энг муҳим тармоқлардан бири транспорт тизимидир. Айнан ушбу тизим инфратузилмасини ривожлантириш, соҳага замонавий рақамли технологияларни жорий этиш орқали транспортнинг барча турларида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, юк ва йўловчи ташиш ҳажмини кўпайтириш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини кенгайтириш ва унинг имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Қайд этниш жоизки, сўнгги йилларда бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз транспорт тизими жаҳон талаблари даражасида фаолият юритишни таъминлаш мақсадида кенг қўлланма ислохотлар кечмоқда.

Бу жараёнда асосий вазифамиз, юқорида таъкидлаганимиздек, ижро интизомини таъминлаш, ҳар биримиз ўз вазифамизга сидқидилдан ёндашиш. Шу мақсадда Президентимиз фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Транспорт вазирлигида ҳам ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчи йўналиш — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳалари тайёрлашни устидан шахсий назоратни ташкил этиш;

Иккинчи йўналиш — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижрочиларга тезкор етказилиши, шу жумладан, уларда кўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамиятини Транспорт вазирлиги, тизим ташкилотлари ва ҳудудий транспорт бошқармалари ходимларига тушунтириш, назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича "йўл хариталари" — ҳаракат режалари ўз вақтида ишлаб чиқиши устидан шахсий назоратни таъминлаш;

Учинчи йўналиш — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишни шахсан ташкил этиш, "**ijro.gov.uz**" ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот

берилишига алоҳида эътибор қаратиш;

Тўртинчи йўналиш — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижалли ижро этилиши шахсан танқидий таҳлил қилинишни таъминлаш, қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва мўлжалланган мақсадларга эришиш.

Шунингдек, вазирлик ҳайъати қарори билан фармон сирасини таъминлаш, ундаги вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини назорат қилувчи ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш, қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқларнинг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобот берилишини ташкил этиш тартибини белгилаш, ишларни ташкил қилиш, ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Хусусан, вазирликка тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ўз вақтида, сифатли бажарилиши бўйича ҳар ҳафтанинг душанба кунини назорат, жума кунини вазир ўринбосарлари томонидан шахсан масъул ижрочилар билан муҳокама ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Фармон талаблари ҳисобга олинган ҳолда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолатини комплекс ўрганиш ўтказилди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва муаммолар масалаларини жойида ҳал этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, вазирликнинг тегишли бўлимлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси учун масъул ижрочилар фаолияти мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Жумладан, ўз вақтида бажарилишида кечикиш хавфи юзга келган муаммолар масалалар, топшириқлар ижросини амалга оширишда масъулиятсизликка йўл қўяётган ижрочиларга қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан таклиф киритилаётди.

Ижро интизомини янада мустаҳкамлашда замонавий ахборот технологиялари ва бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ҳамда ижронини текшириш шакллари таъминлаштириш муҳим омил саналади.

Мазкур йўналишда "ijro.gov.uz" ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими орқали электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб, қонунчилик ҳужжатлари ва

топшириқлар ўз вақтида ижро этилиши назорат қилиб борилмоқда.

Ушбу тизим орқали ҳар бир ҳужжат ва топшириқни қабул қилиш, қисқа фурсатда масъул ижрочиларга етказиб бериш, топшириқнинг ижро этилиш ҳолати реал вақт режимида кузатиб борилади. Мазкур автоматлаштирилган тизим самараси ўлароқ,

ижрочилар бўйича шакллантириш имконияти мавжуд.

Вазирликка юклатилган топшириқлар бажарилишини назорат қилиш, янгича тизимни тўлиқ татбиқ этиш мақсадида барча ҳудудий бошқармаларда ҳамда тизим ташкилотларида 2020-2021 йилларнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республика-

ҳайъати йиғилишида мунтазам кўриб борилмоқда.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳафтанинг белгиланган кунларида онлайн шаклда вазирликнинг барча ходимларига етказилмоқда. Шу билан бирга, ҳафталик ўқув соатлари ўтказилиб, натижаси вазирлик ва тизимдаги ташкилотларнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилмоқда.

Шунингдек, вазирликдаги департамент, бошқарма ва тизим ташкилотлари раҳбарлари иштирокида онлайн ҳуқуқий ўқув соатлари ўтказилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳа ходимларига Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонуни, Президентнинг 11 та фармони ва 25 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 63 та қарор ва фармойиши мазмун-моҳияти кўргазмали-тақдимот материаллари асосида тушунтириб берилди.

Ҳар бир топшириқ ва ҳужжат ижросини амалда назорат қилиш, уларни ўрганиб чиқиш, масъуллар белгиланиши таъминлаш ижро интизومي янада мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз транспорт тизими иш фаолиятини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш, энг чекка ҳудудларда ҳам йўловчилар ва фуқароларга замон талабларига муносиб даражада шартот яратиш бўлиши, янги транспорт йўлакларини ташкил этиш орқали минтақавий ва халқаро бозорларга чиқиш имкониятини яратиш Президентимиз томонидан олдимизга қўйилган энг устувор вазифадир.

Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилиши ҳар бир раҳбар ва ходимдан шахсий жавобгарлик, дахлдорлик ҳиссини тўлиқ англаган ҳолда ўз ишига масъулият билан ёндашишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, вазирлик ҳамда тизимда фаолият юритаётган раҳбар ва ходимларнинг мустаҳкам ижро интизومي амал қилиши, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши доимий назорат қилиб борилади.



Транспорт вазирлиги, тизим ташкилотлари ва ҳудудий транспорт бошқармаларида ҳужжатларни қоғоз шаклида келиши ва имзолаш амалиётига тўлиқ чек қўйилди.

Шу билан бирга, ижрога тушган ҳужжатларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда махсус мобил илова орқали кўриб чиқиш, ижрога йўналтириш ва назоратдан чиқариш имконияти яратилган. Бу вазирлик тизимида иш юритишни сезиларли даражада тезлаштиришга имкон берди.

Ижронинг назорат қилиш, назорат қарорларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш "ijro.gov.uz" тизимида амалга оширилиши жуда кўл келмоқда. Тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжат ва топшириқлари, уларнинг бажарилиш ҳолати, муддати, тасдиқлаш жараёни каби ҳисоботларни

си қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижроси бўйича жами 8 та (2020 йилда 6 та, 2021 йил 1-чорагида 2 та) мақсадли ва комплекс ўрганиш ўтказилди.

Мазкур ўрганишлар жараёнида жойларда мавжуд топшириқлар ижросини назорат қилиш электрон тизими такомиллаштирилди, масъул ходимлар белгиланди ҳамда кирувчи ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, назоратга олиш, ижрочиларга етказиш ва ижросини таъминлаш жараёнларининг янгича тартиби кўргазмали-тақдимот материаллари асосида тушунтириб берилди.

Иш юритиш ва ижро интизومي бузилгани учун жами 6 нафар мансабдор шахс ва жутахассиса нисбатан қатъий интизомий ҳолат чоралари қўлланилди. Шу билан бирга, ижро интизومي масаласи вазирлик

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ!

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТ ТАРҒИБОТЧИСИ СИФАТИДА ТАНИЛДИ

Бошланғичи 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони уруш фахрийларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир. Фармонга мувофиқ, барча шахару қишлоқларда, маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз раҳбари нумидан 12 миллион сўм пул мукофоти, эсдалик совғалар тантанали равишда топширилди.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИ, БОБОЛАР ЖАСОРАТИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

Шу вақтгача Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи кўрсатган бемисл жасорат, қаҳрамонликлар ҳақида шунчаки рақамлар ва баъзи архив маълумотлари орқали таниш эдик. Урушнинг аччиқ ҳақиқатлари аслида қандай бўлгани билан кўп ҳам қизиқмадик. Ниҳоят, орадан 75 йил ўтиб, Президентимиз ташаббуси билан ўша суронли йиллар тарихини жиддий ўрганишга киришдик, янги тадқиқотлар бошланди.

Пировардида, илгари бизга номаълум бўлган факт ва рақамлар келиб чиқди, ўша даврда халқимиз бошидан ўтказган аччиқ, муҳиш кунлар манзараси кўз олдимизда жонли акс эта бошлади.

Уларнинг айримларини эслайлик. Шу пайтгача уруш йилларида беш азамат ўғилдан жудо бўлган Зулфия ая, Президентимизнинг кечаги нутқида эҳтиром билан тилга олинган, бошига катта фожиа тушган бўлишига қарамай, икки фарзандини қонли жангоҳга кузат-

ган Маъсума ая ҳақида билармидик? Афсуски, йўқ. Ёки бу даҳшатли урушда 2 миллионга яқин юрдошимиз иштирок этгани ҳам кейинги тадқиқотлар жараёнида маълум бўлди. 1941 йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёдини ташкил этган, демак ҳар 3 нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлга қурол олиб фашизмга қарши жанг қилган. Афсуски, уларнинг 500 мингдан зиёдини жанг майдонларида ҳалок бўлган. Бу рақамлар ортдаги фарзандидан жудо бўлган ота-оналар, турмуш ўртоғидан бевақт айрилиб, ёш умри хазон бўлган аёллар, етим қолган болаларнинг аянчли тақдир эса урушнинг оғир оқибатларини янада ойдинлаштиради. Бу фожиали манзара ҳар биримизни оғоҳ ва ҳушёр бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга ундайди.

Яна бир мисол. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган юрдошларимиз сонига ойдинлик киритилди. Маълумотларга кўра, 200 мингдан зиёд аскар ва офицеримиз жанговар орден-медаллар билан мукофотланган. Ватандошларимизнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан ортигича даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлган.

Инсоният тақдирини ва келажагини ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди. Юртимиз уруш майдонларида жуда катта миқдорда харбий техника, қурол-яроқ, дори-дармон, кийим-кечак, озик-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган муҳим таянч марказларидан бирига айланган. Ишлаб чиқариш корхоналари харбий мақсадларда қайта ташкил этилди. Жумладан, кўп миллатли халқимизнинг

фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин корхонада харбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа фурсатда ишга туширилди.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Бу борада ҳам янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш бўлаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 200 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз бу одамларга бошпана бериб, ота-онасидан жудо бўлган етим болаларни "Сен етим эмассан!" деб ўз бағрига олгани инсонпарварликнинг чинакам намунаси бўлди.

Шу таҳлил халқимиз тарихининг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб ўтиб, бугунги ёруғ кунларга етиб келди. Эндилдиқда бундай қора кунлар қайта тақдорланмаслиги учун тарихдан тўғри хулоса чиқариш, ёшларимизга ўтмишимизни асл ҳолича ўргатиш муҳим вазифадир.

ҒАЛАБА БОҒИ — ШОНЛИ ТАРИХ, АЖДОДЛАР КУЧ-ҚУДРАТИ, ХАЛҚИМИЗ МАНОВАТИНИНГ СЎЗЛОВЧИ АСАР

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда мухташам "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси барпо этилиши бугунги кунда бу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг, қаҳрамон аждодларимиз хотирасига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Бугунги кунда бу даргоҳ пойтахтимизнинг энг гавжум, табаррук масканларидан бирига айланмоқда. Бу ерда

турли учрашувлар, маънавий-маърифий, харбий-ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар ўтказиш яхши анъаналарга айланган. Ўтган қисқа даврда Ғалаба боғига 350 мингга яқин юрдошимиз ва чет эллик меҳмон ташриф буюрган. Уларнинг орасида ўқувчилар, талаба-ёшлар, нурунийлар, харбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, юқори мартабали хорижий делегациялар аъзолари борлиги, айниқса, эътиборга сазовор.

Ғалаба боғининг Шавкат Мирзиёев томонидан яратилган асар, дея эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, бу маскан ота-боболаримиз жасоратини улуғлайдиган, ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган масканга айланиб бормоқда. Бугунги кунда мажмуа таркибида фаолият кўрсатаётган "Шон-шараф" давлат музейида 12,5 мингдан зиёд экспонат тўпланган, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Ушбу музейдаги янги экспозициялар билан танишув чоғида давлатимиз раҳбари Қўроллик Кўчлар, ҳуқуқ-тартиб тизимидаги вазирлик ва идоралар раҳбарларига ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан қатор топшириқлар берди.

ҚАҲРАМОН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ФАРАЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида илгари сурган яна бир ташаббусни алоҳида қайд этиш жоиз. Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги бор ҳақиқатни аниқлаш ва халқимизга етказиш, аждодлар хотирасини абадийлаштириш бўйича ҳали кўп иш қилиши кераклигини айтиди. Ҳар бир қишлоқ,

маҳалла, таълим муассасаси, давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчиликни уруш иштирокчиларига доир материалларни тўплаш ҳамда тарғиб этишда янада фаол бўлишга даъват этди.

Албатта, бу бугунги тинч, эркин ва ёруғ кунларимиз учун жон фидо этган қаҳрамон аждодларимизнинг ўчмас хотираси олдидаги қарзимиз ва фарзандлик бурчимиздир. Сўнгги йилларда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳам бу борада салмоқли ишлар қилинмоқда. Ана шундай изланишларимизга мисол сифатида 2020 йилда бухоролик меҳнат фронти қатнашчиси Солиҳ Абдушуқуровнинг ҳужжатлари тиклаб берилганини айтиб ўтмоқчиман.

Солиҳ Абдушуқуров уруш даврида Бухоро шаҳридаги пойабзал фабрикасида меҳнат қилган. Аммо унинг ҳужжатида фабрикада ишлагани тўғрисидаги ёзув ўчиб кетган. Ҳалол меҳнати билан Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага, қолаверса, юрт равнақига ҳисса қўшган отахон ўзининг 1941-1945 йилларда фронт ортида, мамлакат ичкарисида меҳнат қилган фуқароларнинг тарихий рўйхатига киритилишини орзу қилган.

Отахоннинг ҳужжатидаги ёзувларни тиклаб бериш тўғрисидаги аризаси Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ўрганилиб, Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг хулосаси олинди. Ҳақиқатан ҳам С.Абдушуқуров 1932 йил 22 сентябрда Бухоро шаҳрида туғилгани, шунингдек, пойабзал фабрикасида меҳнат қилгани тасдиқланди.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узонки кўлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун,

элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини қадрлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Мамлакатимизда бу борада қилинаётган ишларга дунё ҳамжамиятининг ҳам хаваси келаётгани барчамизни қувонтиради. Масалан, яқинда Россия Давлат думаси Мудофаа масалалари қўмитаси раиси, Россия қаҳрамонлари ассоциацияси президенти Владимир Шаманов бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ва улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар бунга исботдир.

В.Шаманов жумладан, "Кейинги йилларда Ўзбекистондаги яхши ўзгаришлар, туб ислохотларни кузатиб ҳам қувонаман, ҳам фахрланаман. Шавкат Мирзиёев мамлакат ёшлари таълим-тарбиясига, илм-фан тараққиётига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс эпкини бошланганидан ҳам яхши хабардоримиз. Сизларга фақат олға юришни, залворли марраларни забт этишни тилаб қолам!" деди.

Дунё халқларининг нияти бир — уруш бўлмасин. Ўзбекистон ўз Президентини бошчилигида дунёга тинчликпарвар сиёсат тарғиботчиси сифатида танилгани эса кўнгилмишни хотиржам қилади. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон таълим сифатида минтақада ва дунёда ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бебаҳо бойлигимиз — тинчлик ва барқарорликни, миллатлар, динлараро аҳиллик, тотувлиқни таъминлаш доимий эътиборда. Бу эгни ишлардан қўзланган асосий мақсад тинчликни кўз қорачиқидек асраш, инсониятни ҳаммаша эзгулик ва юксалишга даъват этишидир.

БАНДЛИК

ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Сўнгги йилларда хорижда ишлаётган юртдошларимиз ва оиласини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган имтиёзлар кўламини кенгайтириш, чет элларда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.



Қайд этиш жоизки, ички меҳнат бозорига ҳар йили ўртача 600-700 мингга яқин янги ишчи кучи кириб келиши Ўзбекистоннинг ташқи меҳнат бозорига фаол иштирокчини таъминламоқда. Иқтисодий тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўрилатган чоралар натижасида йилига 500 мингтача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун, ташқи меҳнат миграцияси орқали қарийб 200 минг кишининг бандлигини таъминлашга тўғри келади.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бу табиий жараён, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтган. Қарерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган.

Сир эмас, яқин йилларда юртдошларимиз ўртасида ташқи меҳнат миграцияси фаолияти борасида турлича қарашлар мавжуд эди. Яъни бундан 3-4 йил олдин фуқароларимиз чет элда ишлаш истигада бўлса, кимга мурожаат қилишни билмас, натижада ноқонуний, айланма йўллар билан хорижда чиқишга мажбур бўларди. Бу эса уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ кўпга кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқарарди.

Қувонарликки, сўнгги йилларда тизим билан боғлиқ вазият тубдан ўзгарди. Бу — фуқароларимизнинг чет элда ишлаш учун шaroитлар яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кафолатли меҳнат бозори билан таъминлаш, юртимизга қайтиб келгандан кейинги тақдирига бефарқ бўлмастик каби сазой-ҳаракатларда намоян бўлди.

Мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада фуқароларимизга яратилаётган энгиллик ва имтиёзлар, истиқболдаги вазифалар тўғрисида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи Хайрулла УМАРОВ билан суҳбатда бўлди.

— Айтинг-чи, ташқи меҳнат миграцияси ҳар қандай мамлакат учун табиий жараёни? Бу борада юртимиздаги вазиятга қандай баҳо берасиз?

— Ташқи меҳнат миграцияси кеча ёки бугун шаклланган жараён эмас. Бу турли даврларда турлича кўринишда намоян бўлиб келган.

Бугунги замонавий даврда барча давлатларда асосий эътибор тартибли меҳнат миграциясига қаратилмоқда ва бу жараёнларда Ўзбекистон ҳам бевосита иштирокчи.

Хорижий давлатлар амалиётига тўхтаб қаролсак, Европа, Скандинавия ярим ороллари (Дания, Норвегия, Швеция), АҚШ, Жанубий Корея давлатларида сановат ва сервис соҳаси кескин ривожланиб бориши натижасида ташқаридан ишчи кучига зарурат туғилгани сабабли, бу давлатлар миграцион рецепиент (қабул қилувчи) сифатида етакчи ҳисобланади.

Мисол тариқасида, асосий ишчи кучини юборувчи экспортёр давлатлар сифатида Германияда Туркия, Польша, Буюк Британияда Покистон, Ҳиндистон, Францияда Жазаир, Мароккаш, АҚШда Хитой ва Филиппин иштирок этади. БМТ маълумотига кўра, дунёдаги мигрантлар сони 272 миллион нафарни ташкил этади, бу дунё аҳолисининг 3,5 фоизини, дегани. Айни пайтда Ҳиндистоннинг 17,5 миллион фуқароси ташқи меҳнат миграцияси жараёнида иштирок этиб, аҳолиси энг кўп меҳнат мигранти ҳисобланган мамлакат бўлиб қолмоқда.

Албатта, демографик, иқтисодий-иқтисодий жараёнлар ҳам меҳнат миграцияси соҳасига ўзининг ў ёки бу даражада таъсирини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодиётдаги ривожланиш босқичлари меҳнат миграциясига талабни келтириб чиқармоқда. Юқоридаги таҳлиллардан ҳам кўри-

ниб турибдики, меҳнат миграцияси ҳар қандай мамлакат учун табиий жараён ҳисобланади.

Тан олиш керакки, шу кунгача қанча фуқаромиз хорижий давлатларда меҳнат қилаётгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмас эдик. Президентимизнинг ташаббуси билан юртимизда бошланган “фуқаробой”, “хонадонбай” ўрганишлар бизни ҳам маҳаллага тушиб ўрганишга, одамлар билан ишлашга ўргатди. Ўрганишлар жараёнида юртимиздаги меҳнат мигрантлари сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 1,5 миллион нафарни ташкил этаётгани аниқланди. Бу эса Ўзбекистон аҳолисига нисбатан меҳнат мигрантларининг 4,4 фоизлик улуши мўътадил ёки нормал ҳолат ҳисобланади.

Охириги 10-15 йиллик амалиёт давомида бу соҳада кўпга камчиликлар қаторида меҳнат мигрантларини хорижда ҳуқуқий ва моддий ҳимоялаш, хориждан қайтганларни реинтеграция қилиш бўйича маълум бир тажриба тўплади.

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонунчиликдаги ўзгаришлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар меҳнат мигрантлари учун қандай энгиллик ва имтиёзлар берди?

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, меҳнат миграцияси соҳасини комплекс таҳлил қилиш, хавфсиз, тартибли ва қонуний механизмларни жорий этиш, меҳнат миграциясини тартибга солиш, мигрантлар хавфсизлигини таъминлаш, улар-



нинг хорижда ишлаб толган даромадлари келгусида оиласи фаровонлигига, “ўз келажигига инвестор” тамойилига хизмат қилишига қаратилган ҳужжатларга зарурат борлигини кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, 2018-2020 йилларда ташқи меҳнат миграцияси йўналишида жуда муҳим қадамлар қўйилди. Соҳага доир 12 та муҳим ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 та қарори, 1 та фармон, Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарори қабул қилиниб, норматив-ҳуқуқий база яратилди. “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

2018 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги “Қамбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолиятини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат мигра-

цияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб меҳнат шaroити яратиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хориждаги ватандошлар ва ўзбек диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, касбий тайёргарлик ва чет тилларини ўргатиш, молиявий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат миграциясидан қайтган шахслар интеграцияси, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш борасида муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хорижий ваколатхоналарини очиб тўғрисида”ги қарорига кўра, агентликнинг Квангжу (Корея Республикаси) ва Москва (Россия Федерацияси) шаҳарларида ваколатхоналари, шунингдек, Москва шаҳридаги ваколатхонанинг Санкт-Петербург, Новосибирск, Екатеринбург, Самара ва Уфа шаҳрида вакилликлари очилди.

Юридик шахсларга Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш, уларнинг касбий малакасини ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш фаолиятлари билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, ташкилланган тарзда ишлаш учун хорижда чиқиб кетаётган шахсларга 10 миллион сўмгача микроқарзлар бериш тартиби жорий қилинди. Мураккаб молиявий аҳволга тушган мигрантларига бериладиган бир марталик моддий ёрдам базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан икки баробаригача кўпайтирилди.

Хорижда ишлаб қайтиб келган шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаригача субсидия ажратилиши белгиланди. 2019 йилдан меҳнат мигрантларига уйлар ажратиш, кетиш харажатларини қисман қоплаш учун 2 миллион сўмгача микроқарз бериш, улар ҳаёти ва соғлигини сугурталаш учун субсидия тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси, Вазирлар Маҳкамасининг Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти ташкил этилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Агентлик ҳудуд-

зирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш бўйича 25 та марказда ҳамда Тошкент, Фарғонадаги мономарказда рус тилига ўқитиш курслари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида РХДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилди.

Россияда бўлган Ўзбекистон фуқароларини касб-хунарга ва рус тилига ўқитиш мақсадида РХД ва “WorldSkills Russia” иттифоқи ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми асосида Россиянинг 7 та ҳудудидида 14 та таълим муассасасида ўқув курслари ташкил этилди.

Хорижий ҳамкорлар билан олиб борилаётган истиқболли лойиҳалар натижасида Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида Москва шаҳри Кўп-



тармоқли миграция марказининг филиали очилди.

Хориждан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш ва ички меҳнат бозорига реинтеграция қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

— Тизимда коррупциянинг олдини олиш, юртдошларимизни хорижда жўнатишнинг шафдоф тизимини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Аввало, ушбу йўналишда очикликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш ўринли. Бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида ишлаб чиқилган “Ягона миллий меҳнат тизими” ахборот тизими доирасида яратилган “labor-migration” дастурий мажмуаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур дастурда хорижда ишга жойлашиш, мавжуд бўш иш ўринлари, иш берувчилар тўғрисидаги ва соҳага доир бошқа маълумотлар жойлаштириб берилмоқда. Бундан ташқари, хорижий давлатлар, хусусан, Корея Республикасида ишлаш учун бўладиган танловларни онлайн тартибда намойиш этиб бориш тизими жорий этилди. Бунда “Комплайн” хизмати йўлга қўйилиб, доимий профлактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган чоралар натижасида хорижда ишлаш истигада бўлган фуқаролар мавжуд иш ўринлари ва уларга қўйилган талаблар билан танишиб бориш, иш берувчилар таклиф этган иш ўринлари бўйича танловларда эркин иштирок этиш имкониятига эга бўлаётир.

Лекин охириги икки йилда тизимда хусусий бандлик агентликларини томонидан алдов йўли билан фуқаролар маблағларини ўзлаштириш, фирибгарлик ҳолатлари ҳам учраётгани жуда ачинарли. Жиноятга жазо муқаррар. Ушбу ноқонуний ишларни амалга оширган 11 та хусусий бандлик агентлигининг маъсул раҳбар ва ходимлари фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилди.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликларини тўғрисида”ги қонунига ўзгартиришлар киритилиб, хусусий бандлик агентликларини томонидан фуқаролардан маблағ ундириш тақиқланди.

— Янги меҳнат бозорларини очиб бўйича нима ишлар қилинмоқда? Хорижий давлатларда асосан қандай касб эгаларига талаб бор?

— Меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида хуқуқлараро 8 та, идораларо 7 та битим, МДҲ доирасида 1 та битим ва 1 та конвенция, шунингдек, 203 та иш берувчи ва рекрутнинг компаниялар билан шартномалар имзоланган. Шу билан бира, ташқи меҳнат бозоридидаги 259 та салоҳиятли иш берувчилар ва рекрутнинг агентликлари билан музокара-лар ўтказилиб, улардаги 69 мингга яқин бўш иш ўрни аниқланди.

Хусусан, Германиянинг “GfM GmbH & Co. KG” ва “HR ARENA GmbH” компаниялари билан онлайн учрашувлар ўтказилиб, Ўзбекистон фуқароларини Германия ҳудудида “дуал тизими” асосида ишга жойлаштириш бўйича Битим имзоланди.

Канададаги “Sobirovs Law Firm” фирмаси ва “Anori Management company” юридик фирмалари вакиллари билан онлайн форматда ўтказилган музокара-лар натижасида келишувга эришилди, айни кунларда фуқароларимизни ушбу давлатга ишга юбориш жараёни бошланган.

Ҳозирги кунда хорижий давлатларда асосан ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналишларидаги касбларга талаб юқорилигича сақланиб қолмоқда ва

махсус комиссияга ўз йўналиши бўйича имтиҳон топшириб, муваффақиятли ўтса, унга махсус сертификат берилади. Бу эса, ўз навбатида, ойлаб ўқиш учун кетадиган вақтни тежайди ва ортиқча сарф-харажатнинг олди олинади. Унинг ўрнига шу касбни эгалламоқчи бўлган бошқа бир фуқаро касбга ўргатилади. Бу ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда.

— Меҳнат мигрантлари юртимизга қайтиб келгандан сўнг уларни иш билан таъминлаш ёки бошқа қандай ёрдам ва имтиёзлар кўрсатилади?

— Меҳнат бозорига киритилган янгиликлардан яна бири, бу — хориждан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш ва ички меҳнат бозорига реинтеграция қилиш амалиёти йўлга қўйилгани. Шу мақсадда, хориждан қайтган меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари билан “маҳалла — меҳнат органлари — сектор — Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиали” тизими асосида индивидуал ишлаш ташкил этилди.

“Тадбиркор мигрант” лойиҳаси бўйича қисқа мuddатли ўқув курсларида хориждан қайтган фуқароларни тадбиркорлик асосларида ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа бўйича мингга яқин фуқаро ўқитилди ва сертификатлар берилди. 4,9 минг нафарига тадбиркорлик қилиши учун субсидия, 1,4 минг нафарига имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Жорий этилган тадбирлар натижасида 2020 йил ва 2021 йилнинг биринчи чорагида юртимизга қайтиб келган 541,6 минг меҳнат мигранти билан уйма-уй юрган ҳолда ўрганиш ўтказилиб, 364,3 минг нафарнинг бандлиги таъминланди. Утган давр мобайнида хорижда ишлаб юртимизга қайтиб келган 1 миллион 334 мингдан ортиқ фуқаронинг қарийб 751 минг нафарининг бандлиги таъминланди, 14 мингдан зиёди касбга ва тадбиркорликка ўқитилди.

Хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 мингдан ортиқ мигрантлар оилаларига турли йўналишда ёрдам кўрсатилди. Шу билан бира, хорижда қийин аҳволга тушиб қолган 286 нафар, Россия Федерацияси ИИВнинг вақтинчалик сақлаш марказларидаги 177 фуқаро ватанга қайтарилди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 322 мингдан зиёд меҳнат мигрантига ҳуқуқий, ижтимоий, моддий ёрдам, маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Меҳнат мигрантларининг иш берувчилар томонидан тўланмай турган 1,6 миллион АҚШ долларида ортиқ миқдордаги иш ҳақи ва пуллик компенсациялари ундириб берилди.

272 нафар юртдошимизга 543 миллион сўм миқдорда микроқарзлар ажратилиши таъминланди, 81 минг 193 нафар меҳнат мигранти сугурта хизматларидан фойдаланди. Уларга кўп квартиралли уйлардан хонадонлар ажратиш учун субсидия тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди.

2018 йилдан 2021 йилнинг биринчи чорагига қадар Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан Россия, Қозғоғистон, Жанубий Корея, БАА, Туркия, Болгария, Польша ва бошқа давлатларга 27 минг 670 юртдошимиз ишга жойлаштирилди.

Бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган бундай муҳим чора-тадбирлар меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат миграциясини қонуний ва тартибли ташкил этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда соҳада муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш, чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш, чет элда юртдошларимиз муносиб шaroитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш муҳим. Лекин тунинг учун, аввало, ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил билидиган мутахассислар тайёрлаш долзарб вазифа.

Умуман айтганда, тизимда амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирлар хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш, хорижда ишлаётган юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим, янги чора-тадбирларни жорий этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.

ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиш 1-бетда

Хорижий экспертлар Ўзбекистоннинг ЕИ махсус преференциялар тизимига аъзо бўлиши кейинги даврда Президентимиз ташаббуси билан давлат бошқаруви, фуқаролик жамиятининг кучли институтларига эга демократик мамлакатни шакллантириш, иқтисодиётни либераллаштириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва янгилашларнинг амалий натижаларини ҳисобга олган ҳолда, қабул қилинганлигини эътироф этмоқда. Бу, биринчи навбатда, ЕИ мамлакатларининг инвесторлари ва хусусий сектор вакилларига Ўзбекистонда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кучли туртки берса, иккинчидан, Ўзбекистон ва ЕИ давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва жадал ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратлади. Қолаверса, мамлакатимиз кейинги уч йил мобайнида ЕИнинг махсус преференциялар тизимининг талаб-тамоийилларига доир барча мажбуриятларни тўлиқ бажарди.

Мазкур мақомдан икки томон ҳам манфаат қўради. Ўзбекистон GSP+ нинг аъзоси сифатида маҳсулот йўналишларининг учдан икки қисмига тарифларни тўлиқ бекор қилиш орқали қўшимча иқтисодий имтиёزلарга эга бўлди. Бу эса экспорт ҳажмининг ўсишига ва мамлакатга қўшимча инвестициялар жалб этилишига хизмат қилади.

КАТТА БОЗОРДАГИ РАҚОБАТ

Ўзбекистонда яқин пайтга қадар қўлланб келинган GSP доирасидаги имтиёزلардан фойдаланиш даражаси 87 фоизни ташкил этган. Маҳсулот сегментлари асосан тўқимачилик ва кийим-кечак, пластмасса, чарм-пойабзал товарлари, шунингдек, мева-сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссасига тўри келган.

Бугунги кунда ЕИ ҳудудида 450 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маълумотларга қараганда, иттифоққа аъзо давлатлар ҳар йили бутун дунёдан 177 миллиард евро микдорда кийим-кечак, 147 миллиард евролик матодан

ишланган чойшаб, ёстик, кўрпа, сочиқ ва бошқа уй буюмлари, 70 миллиард евродан ортиқ чарм ва ярим чарм-пойабзал маҳсулотларини импорт қилади.

Агар мамлакатимиз тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноатининг таркибига эътибор қаратсак, айна ушбу тармоқларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Ўтган йили тармоқ корхоналари томонидан 1,9 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган товарлар дунё бозорига йўл

Бугунга кунда унинг умумий микдори 6 миллиард еврога етган. Бангладешнинг бу бозорга йўллаётган товарлари 17 миллиард еврога етай деб қолди. Шундай бир кезде, Қирғизистон 6 миллион, Арманистон 68 миллион евролик маҳсулотни экспорт қилмоқда.

Ушбу маълумотлар ҳам кўрсатиб турибдики, ЕИ бозорига Ўзбекистоннинг рақобатчилари кўп. Чунки, улар қаторида Ҳиндистон, Вьетнам, Индонезия, Камбожа ҳам бўлиб, улар дунёдаги йирик тўқи-



ланган. Лекин унинг фақатгина 74 миллион доллари, чарм-пойабзал тармоғининг хорижга сотилган маҳсулотларининг атиги бир фоизи Европа бозорларига тўғри келган.

Мана эндиликда Ўзбекистон GSP+ мақомига эга бўлган тўқимачилик мамлакатга айланди. Мутахассислар ушбу имтиёздан фойдаланиб келаётган давлатлар фаолиятини таҳлил қилар экан, Покистон, Шри-Ланка, Мўғулистон, Бангладеш давлатлари асосий рақобатчи бўлишини, уларнинг GSP+ тизими бўйича тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги улуши умумий ҳажмининг камида 80 фоизни ташкил этаётганига эътибор қаратади.

Хусусан, Покистон мазкур тизимда ишлашни қўлга киритганидан сўнг икки йил мобайнида Европага экспортни 40 фоизга оширди.

мачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

ЯНГИ БОСҚИЧ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўтган ҳафта ниҳоясида маҳаллий тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва уни GSP+ тизимига асосан ЕИ бозорига тарғиб қилишга бағишланган "Янги Ўзбекистон тўқимачилиги: Европа Иттифоқида GSP+нинг бенефициари" номли форум бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзтўқимачиликсаноат" уюммаси томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ва Экспортни ривожлантириш агентлиги кўмағида ташкил этилди.

— Биз шу пайтга қадар бундай анжуманларни Фарғона vodiysi вилоятларида ўтказдик, — деди "Ўзтўқимачиликсаноат" уюммаси



раиси Илҳом Ҳайдаров. — У мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилади. Асосий мақсад корхона, компаниялар, хусусий тадбиркорлик субъектларининг раҳбар мутахассисларига ЕИнинг GSP+ тизими имтиёзларини тушунтириш ва уларни мазкур имкониятлардан фойдаланишга тарғиб қилишдан иборат.

Тўқимачилик саноати — ташқи бозорга юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар етказиб бераётган истиқболли тармоқлардан бири. Шундай экан, эндиликда тармоқнинг Европадаги ташриф қоғози қандай бўлиши керак, деган савол кун тартибидеги асосий вазифалардан бирига айланган.

Форумда ҳам бу масала кенг миқёсда муҳокама қилинди. Унда ЕИнинг Ўзбекистондаги элчиси Шарлотта Адриан, мамлакатимизнинг Бельгиядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Дилёр Ҳақимов, Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси ўринбосари Кристофер Фукс, Халқаро меҳнат ташкилотининг "Учинчи томон мониторинги" лойиҳаси раҳбари Йонас Аструп, GSP HUB гуруҳи раҳбари Виллем ван дер Гест, Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти ваколатхонаси раҳбари Йорк Пуделка, Control Union сертификатлаш компанияси раҳбари Йохан Марис ва бошқаларнинг иштирок этгани ҳам бун

тасдиқлаб турибди. Табиийки, улар GSP+ преференцияларининг мамлакатимиз ва Европа бозори учун аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, бу имкониятдан самарали фойдаланишда яқиндан ҳамкор бўлишга ҳозирликларини ҳам билдирди.

Ҳақиқатан, GSP+ тизимидан фойдаланиш ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратлади. Чунки экспорт қилинадиган бир қатор муҳим товарларга тарифлар бекор қилиниб, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар томонидан экспорт қилиниши мумкин бўлган товарлар сони 6 200 тага етди. Бу аввалги мақомдан икки баравар кўп, шу жумладан, GSP+ да 1 000 дан ортиқ тўқимачилик маҳсулотларига оид позицияларни қамраб олган. Масалан, Ўзбекистоннинг ташқи бозордаги мавқеини таъминлаб келаётган гилам, мато, тўқимачилик материаллари ва тайёр буюмлари, кийим-кечак ва бошқа товарлар ўрин олган.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, 2021 йилнинг дастлабки чорағида "Ўзтўқимачиликсаноат" уюммаси ҳамда тармоқ корхоналари томонидан 648,1 миллион долларга тенг бўлган маҳсулотлар хорижий мамлакатларга сотилди ва республика экспортдаги улуши 29 фоизни ташкил этди. Илк бора корхоналар томонидан бир ойлик маҳсулот экс-

портида рекорд натижа қайд этилди — 240 миллион доллардан ошди.

GSP+ тизими қўлланилиши билан жорий йилда тармоқнинг экспорт ҳажми 142,1 миллион АҚШ долларига, 2022 йилда 242,2 миллион, 2025 йилга бориб 1,2 миллиард долларга етказилиши кутилмоқда.

Белгиланган натижаларга эришиш учун "Ўзтўқимачиликсаноат" уюммаси халқаро ташкилотлар ва саноат корхоналари билан ҳамкорликда тўқимачилик маҳсулотларини ЕИ бозорига олиб чиқиш стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Бу борада ҳар бир вилоятда маҳсулотни сертификатлаштириш, сифат ва маркетинг масалалари юзасидан ўқув-амалий тренингларни ўтказишни давом эттиради. Шу жиҳатдан олганда, форумнинг онлайн-гибрид шаклида ташкил этилгани ва унда ўртимиз ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда Германия, Италия, Франция, Бельгия, Испания, Россия, Польша, Латвия ва Голландия тўқимачилик корхоналари мутахассисларини бир платформага бирлаштиргани ҳам истиқболдаги ҳамкорлик самарасига, тўқимачилик тармоғининг ташриф қоғозига бўлган ишончдан ҳам далолат бериб турибди.

ПАРРАНДАЧИЛИК

Замон билан ҳамнафас тадбиркор

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири.

Дауран Байнекеев ҳали ёш, эндигина 29 га кирди. Лекин кўзлаган мақсади сари интиладиган тиришқоқ йигит. У тадбиркорликни бошлашдан олдин шу соҳадаги билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштирди. Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси мутахассислиги бўйича таҳсил олди. 2018 йили устози Баҳодир Сапартаевага шогирд тушиб, парранда боқиш сирларини ўрганди. Чимбой туманидаги "Жумабек ота" масъулияти чекланган жамиятда 1000 та жўжа боқди.



Шу ўринда айтиш лозимки, паррандачилик нозик, сердаромад соҳа. Ҳеч кимга сир эмас, парран-

дага касаллик келса, барчаси бирданга қирилади кетади. Афсуски, бу ишга қўл урганларнинг кўпиди

жўжаларни асраш ҳамда боқиш бўйича билим ва тажриба етишмайди. Оқибатда жўжалар дастлабки кунлардан оқибатда нобуд бўлади. Бундай ҳол юз бермаслиги учун, аввало, хоналар кенг ва ёруғ бўлиши, улар мунтазам дезинфекция қилиб борилиши лозим. Шунингдек, озуқаларни вақтида бериш, ҳароратни назорат қилиб туриш ҳам муҳим жараён ҳисобланади. Дауран "Жумабек ота" МЧЖ да бу ишларни обдон ўргангач, ўз бизнесини бошлади.

2020 йилнинг август ойи эди. Дауран туман ҳокими қабулига кириб, ўз режаларини ипидан игнасигача тушунтирди. Тадбиркорлар тилида айтганда, тақдирот орқали ўз бизнес лойиҳасини ҳимоя қилди. Ёш тадбиркорнинг шижоати, ғайрати, ишга бўлган қизиқиши ҳокимга маъқул келди. Шу боис унинг бу эзгу режаларини қўллаб-қувватлади. Дастлаб "Жайхун" маҳалла фуқаролар йиғинида 50 кишини иш билан банд қилаётган "Мўйноқ озиқ-овқат" ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилди. Тез орада кооперативга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Мўйноқ туман бўлими томонидан 115 миллион сўм субсидия ажратилди. Самарқанд шаҳридан 5 000 та бир кунлик жўжа олиб келиниб, маҳалладаги "Темир дафтар"га киритилган аёлларга парвариллаш учун тарқатилди. Натижа ёмон бўлмади. Махсус ем-хашак билан боқилган жўжалар бир ой ичида 1,5-2 килограмм вазнга етиб, бозорга чиқарила бошланди.

Ҳар куни Мўйноқ ва қўшни Қўнғирот тумани бозорларида парранда гўшти сотилиши йўлга қўйилди.

Ишлари йўлга тушиб кетгач ёш тадбиркор "Дўстлик бройлер" ишлаб чиқариш кооперативига асос солди.

— Айни пайтда "Ҳоким ота" овул фуқаролар йиғини "Дўстлик" овулидаги 50 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган, — дейди мўйноқлик Элмира Ережепова. — "Дўстлик бройлер" ишлаб чиқариш кооперативида иш юритувчи бўлиб ишлайман. Қўлида ҳунари бўлмаган, уйда ишсиз ўтирган хотин-қизлар олиб келинган жўжаларни боқаяпти, меҳнати орқасидан даромадга эга бўлмоқда. Энг муҳими, парранда гўшти парҳез таом бўлиб, соғлигимиз учун жуда фойдали ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш лозимки, иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. Меҳнатдан қочмай, қийинчиликларга бардош бера олсак, албатта, муваффақиятга эришамиз. Бунинг учун ўзингга аниқ мақсад ва кучли идрок, ишингда эса ҳаммаслақлар бўлиши керак. Бу борада Дауранга отаси Шарапатдин Байнекеев, укаси Руслан ва дўсти Мамбет Ақпановлар елкадош бўлиб келмоқда.

— Кооператив асосан парранда боқишга мўлжалланган бўлиб, туман аҳолисини арзон гўшт маҳсулотлари билан таъминлайди, — дейди Дауран. — Корхонани ривожлантириш мақсадида "Мадели" овул



фуқаролар йиғинида 200 кишини иш билан банд қилаётган "Берекет бройлер" кооперативини ҳам ташкил қилдик. Бугунга келиб умумий ҳисобда 300 киши ишли бўлиб, рўзғорини тебратиш учун имконият яратилди.

Паррандачилик чорвачиликнинг бир тармоғи саналиб, гўшт, туҳум, пар етиштириш учун боқилади. Даураннинг орзуси парранда гўшtidан қолбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кичик цех очиб, 20 кишини иш билан таъминлаш. Аслида парранда гўшtidан қолбаса ишлаб чиқариш туман аҳли учун янгилик. Шу орқали табиий маҳсулотлар бренди ҳам яратилади. Ҳозир у чет давлатлардан туҳум берадиган насли парранда олиб келиб қўпайтириш, туяқуш боқишни йўлга қўйиш ва бирданга 20 000 та жўжа чиқарадиган инкубатор ўрнатиш лойиҳалари устида иш олиб бормоқда. Шунингдек, гўшт маҳсулотлари экспорти масаласида қўшни Афғонистон ва Туркменистон давлатлари билан шартномалар тузмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, айрим замондошларимиз ўз оиласи аравасини зўрға тартаётган бир пайт-

да, қаҳрамонимиз 300 та оиланинг дастурхони тўкин-сочин бўлишига ҳисса қўшмоқда. Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган ёш тадбиркорнинг турмушимиз фаровонлиги, ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги меҳнатлари кўпларга намунадир.

САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ

ЮРТ МЕҲРИДАН МАМНУН ОДАМЛАР

Бугун мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида беқиёс ғамхўрлик кўрсатиляпти. Янгидан-янги шифохоналар қурилмақда. Мавжудлари сифатли таъмирланиб, беморлар учун барча қулайликлар яратилляпти. Энг муҳими, бу даволаш масканларидаги палаталар бундан 25-30 йил илгаригидай фақат тўрт девору тўртта каравотдан иборат эмас. Ҳар бир палатада беморлар учун зарур шароит мавжуд. Айниқса, жаҳон стандартларига мос замонавий тиббиёт анжомлари ёрдамида аниқ ташхис қўйилиб, муолажа мuddати қисқараётганини ана шундай кенг имкониятларнинг ёрқин бир намунаси дейиш мумкин.

Усмонали НОРМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотига кўра, воқоадаги тиббиёт муассасаларига охириги икки йилда 50 миллиард сўмлик тиббий ускуналар келтирилган. Улар орасида ташхис ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажаришда фойдаланиладиган, республикада санокли ҳисобланган замонавий тиббий ускуналар бор.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Сурхондарё вилоятида "Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!" шiori остида ўтказилган саломатлик акцияси доирасидаги мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказишда айнан мана шу замонавий тиббий ускуналардан самарали фойдаланилмоқда.

Саломатлик акцияси доирасида пойтахтдаги нуфузли тиббиёт муассасаларидан вилоятга 80 нафардан ортик малакали мутахассис келди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда республиканинг 18 та ихтисослашган маркази, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ҳамда вилоят тиббиёт муассасалари ходимларидан иборат ишчи гуруҳ аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматга муҳтож қатлами ҳамда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ешлар дафтари"га киритилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун олис ҳудудлардаги 20 мингдан ортик аҳоли хонадонига бориб, 35 минг кишини тиббий кўриқдан ўтказди. Бу фуқароларнинг 29 минг нафарига амбулатор шароитда, 2400 нафарига туман ва шаҳар ҳамда 800 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида, 150 нафарига республика тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш учун тавсиялар берилди. 420 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Бугун Сурхондарёда республикадаги 13 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг 8 та филиали фаолият кўрсатаёпти. Саломатлик акцияси доирасида вилоят тиббиёт муассасалари ходимлари республика ихтисос-



лаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассислари билан ҳамкорликда 130 нафар беморга юрак-қон томирдаги рентген остида йирик бўғимларни тотал эндопротезлаш, аорта коронар шунтлар амалиёти, қоринчаларро деворлар дефекти пластикаси, юкори лаб, қаттиқ ва юмшоқ танглай аномалияларининг икки томонлама ҳейлопластикаси, велоопластик, қориндонди деворини тикиш аллопластикаси, операциядан кейинги чурра гениолапаратомияси, катаракта фактомулсификацияси, тўр парда лазеркоагуляцияси, комбинацион флeбектомия, лапароскопик холецистектомия, ўпка артериялари стенозини коррекция қилиш каби мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказди. Ушбу жараён учун маҳаллий бюджетдан 1 миллиард 666 миллион сўм ажратилиб, асосан, эндопротезлаш ва стендлаш жарроҳлик амалиётининг сарфлов материаллари учун сарфланган.

— Пойтахтдан келган тиббиёт ходимлари ва маҳаллий мутахассислар иштирокида аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматга муҳтож қатлами ҳамда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ешлар дафтари"га киритилган фуқароларни даволяпмиз. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрхирургия бўлими жарроҳлик блокада бош миаянинг мураккаб операциясини бажариш учун замонавий микроскоп ва аппаратлар, шунингдек, бошқа барча қулайликлар мавжудлигига амин бўлдим. Бу эса мутахассисларга ҳар қандай мураккаб операцияларни тез ва сифатли бажаришга имкон яратади, — деди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирламчи тиббий профилактика ёрдамни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги Авазбек Усмонов.

Шеробод туманидаги "Фуржак" маҳалласида яшовчи 44 ёшли Мавлуда Абдуллаеванинг бош миаясида мураккаб операция муваффақиятли ўтказилди.

— Анчадан бери бошимдаги оғриқ тинчимни бузганди. Маҳаллий дўхтирлар текширувдан сўнг миямда ўсимта пайдо бўлганини эшитиб кўзимга

дунё қоронги кўриниб кетганди, — дейди Мавлуда Абдуллаева. — Узоқ яшагга умидим ҳам сўнганди. Бу орада ўлиб-нетиб қолсам, икки норасида болам кимларнинг қўлида қолиб кетади, деган ўй баттар дардимни оғирлаштирди. Мураккаб операцияни ўтказишга ҳам, Тошкентга боришга ҳам пулим йўқ эди. Чунки дори-дармон олавериб, бор бисотимизни сарфлаб бўлгандик. Маҳаллий шифокорлар акция доирасида пойтахтдан келган тажрибали нейрхирурглар операция қилишини айтганда, хурсандлигимдан кўзимдан ёш тўхтамади. Ҳаёт, яшаш қанчалик ширин. Мени Республика ихтисослаштирилган нейрхирургия илмий-амалий тиббиёт маркази малакали нейрхирурглари — Марсел Бурнашев ва Равшан Йўлдошев маҳаллий врачлар билан бирга икки соат операция қилди. Ҳозир соғлигим яхши, ўзимни жуда тетик ҳис этияпман. Бунинг учун шифокорларга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига, шаҳсан Президентимизга раҳмат. Дунё тургунча соғ-омон бўлишим!

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё худудий филиалида ҳам пойтахтдан келган маҳоратли шифокорлар билан бирга маҳаллий мутахассислар юраги хаста, "Темир дафтар"га киритилган, эҳтиём-манд оилалар вакиллари дардига малҳам бўлди.

— Узун туманининг "Қорашиқ" маҳалласида яшайман, — дейди Абдуҳалил Қурбонов. — Ёшим ҳам бир жойга бориб қолган, юрак хасталиги беш йилдан буён хуруж қилади, одамларга қўшилмай қолганимга анча бўлди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори Бахтиёр Отамуродов бошлиқ шифокорлар юрак ишемик касаллиги ва гипертонияга йўлққанганимни аниқлаб, мураккаб операцияни ўтказишди. Узимни ҳаётга қайта келгандек ҳис этияпман. Кўзимга шифокорлар нажот фаришта-сидек кўринапти.

Вилоят перинатал маркази гинекология бўлимида кунига 4-5 нафар аёл турли гинекологик касалликлар бўйича операция қилинди. Жарроҳлик амалиётининг ақсарияти лопороскопик усулда ўтказилмоқда. Бу эса беморларнинг узоғи билан уч кунда оёққа туриб кетишига замин яратади.

— Бу дунёда фарзандсизликдай оғир дард йўқ, — дейди шўрчилик Умида Йўлдошева. — Турмуш ўртоғим билан кўп йиллардан буён фарзанд қутиб яшаймиз. Балам бўлмаса икки одамнинг орасига қўшилган экансан. Ўзбекчилик, дарров фарзандингиз нечта деб сўрашади... Бу саволга жавоб айтмай, баъзан дунё кўзимга қоронги кўринади. Пойтахтлик мутахассислар жарроҳлик амалиётини ўтказди, фарзандлик бўлишимга ишонтиришди. Насиб бўлса, ўғиллик ёки қизлик бўлсак, исмини яхши нарийлар билан Нажот кўямиз, деб турибмиз.

Шеробод туманидан келган Қаҳрамон Нортोजиев турмуш ўртоғи ва уч фарзанди билан олис "Навбур" қишлоғида истиқомат қилади. Ишсизлиги учун рўзғоридега етишмовчилик кўп, "Темир дафтар"га киритилган.

Шифокорлар Қаҳрамон Нортोजиевнинг етти ёшли ўғли Умаржоннинг бошида онкологик ўсимта пайдо бўлганини аниқлаганига анча бўлган. Бироқ ночор отанинг боласини даволатишга имконияти етмаган. Касал касал эмас, касал боққан касал, деганларидек, ўғлини ҳар кўрганда отанинг юраги орқага тортиб кетарди. Моддий жиҳатдан шароити кўтармагани туфайли боласини даволата олмангандан ёш бошига эрта оқ тушган. Ниҳоят илтижоси ижобат бўлди. Пойтахтдан келган шифокорлар Умаржон Нортोजиевнинг бошидаги ўсимтани жарроҳлик йўли билан бартараф этди. Оила аъзоларининг, айниқса, отанинг қувончи чексиз.

Саломатлик акцияси доирасида пойтахтлик ва маҳаллий мутахассислар Термиз шаҳридаги "Тупроққўрғон" маҳалласида яшовчи Файна Муртазаннинг хонадонига ҳам бўлди. Онахон бир неча йиллардан буён чап чанок сон бўғинининг коксартроз касаллигига дучор бўлганини ва унинг оғриқли азобидан қийналаётганини йилга айтиди. Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг ўткир жароҳатлар бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори Эсондавалат Шуқуров онахоннинг барча тахлилини кўздан кечириб, операция ўтказиш ҳамда сунъий бўғим (эндопротез) қўйиш зарурлигини айтиди. Бу муолажа имтиёзли ўтказилишини ҳам таъкидлади. Хушхабарни эшитган онахон кўзларида қувонч ёши билан давлатимиз раҳбари ва барча шифокорларга миннатдорлик билдирди.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, саломатлик акцияси доирасида қанчадан-қанча беморларнинг дардига малҳам топилиб, шифокорлар халқимизнинг розилигига мушарраф бўлишди. Вилоятларда ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий жиҳозлар, кенг имкониятли аппаратлар, шунингдек, малакали ходимлар кўпайётгани кўнгилларга қувонч, оилаларга хотиржамлик бағишлайди.

ИНСОН ВА ТАБИАТ



МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Иқтисодий тармоқларининг жадал тараққиёти даврида экологик омилларни инобатга олишнинг долзарб жиҳатлари хусусида

Бошланиши 1-бетда

Худудларни комплекс ривожлантиришга катта эътибор берилаяётгани назарда тутилаятган уйғунликнинг дастлабки омил бўлса, ҳар қандай ҳолатда атроф-муҳитга зарар келтирмаслик шарт мавжудлиги, экологлар хулосалари билан ҳисоблашиш қонуний мажбурият экани ушбу тавоийнинг янада муҳим жиҳатидир. Бошқача айтганда, эндиликда Ўзбекистон гигант санаят корхоналари фаолиятида ҳам, мисли кўрилмаган қурилишлар жараёнида ҳам экологик омиллар доимий равишда инобатга олинадиган мамлакатлар қаторига қўшилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси худудидега атроф табиий муҳитни муҳофазаси қилишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятида ҳам экология соҳасидаги ислохотлар изчиллиги муҳасамдир.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудидега атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом таллаблари 2021 йил 15 июлдан бошлаб қучга қиради.

Таъкидлаш жоизки, сув объектлари, жой рельефи ва коммунал-канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик, чиқиндилар жойлаштириш учун белгиланган компенсациянинг базавий ставкалари аввалги кўрсаткичлардан деярли ўзгаришсиз қолдирилди. Асосий ўзгаришлар атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олишга қаратилгани билан долзарбдир. Чунки халқаро микёсдаги тахлилчиларнинг ўрганишларига кўра, ҳозир дунёда ҳар ўн кишидан тўққиз нафари муайян даражада ифлосланган ҳаводан нафас олмақда. Ишлаб чиқариш корхоналари, автомобилларнинг кўпайиши билан атмосферага чиқарилаятган зарарли моддалар микдори ҳам ошаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Қўчаларимизни тўлдириб юрган қарий ўч миллионга яқин автомобилотранспорт воситаси тоза ҳавога зиён етказувчи кўчма ифлослантирувчи манба эканини инутмаслик жоиз. Шунинг учун ҳам ҳукумат қарори билан атмосферага ташланмалар учун тўлов микдори сезиларли равишда оширилди. Асосий мақсад санаят корхоналарини илғор фильтрлаш тизимига ўтишга ундашдан иборат.

Амалда бўлган тартиб ва эндиги талабнинг аҳамияти фарқини битта йирик корхона мисолида тушунтириш ўринлидир. Масалан, олдин белгиланган базавий тариф бўйича тоғ-металлургия тармоғида фаолият кўрсатаётган комбинатлардан бирининг йиллик компенсация тўлови ўртача 313 миллион сўмни ташкил қиларди. Янги ставкалар бўйича ҳисобланганда эса бу кўрсаткич 1 миллиард 74 миллион сўмга етиши кутуляпти.

Атмосферага чиқарилаятган ифлослантирувчи моддаларни имкон даражада кўпроқ ушлаб қолувчи инновацион ускуналар нархи эса бу микдордан анча кам. Ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий жиҳатдан фойда ва зиённинг тафовитини яхши англайдиган мутасаддилар, замонавий бошқарув менежерлари компенсация тўлагандан кўра, чанг-газларни тозалаш ускуналарини ўрнатиш эътиборини яхши тушунади. Яна бир эътиборли жиҳат, компенсация тўлови ҳар йили амалга оширилиши бўлса, тозаловчи ускунадан сифатига қараб 2 йилдан 5 йилгача бемалол фойдала-

ниш мумкин. Қарабсизки, тежалган маблағ ҳам шу пропорцияда кўпаяди.

Ундан ҳам муҳими, корхона ифлослантирувчи моддалар микдорини камайтириш орқали атроф-муҳит тозаллиги, хусусан, инсон саломатлигини яхшилашга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб қолишга кўмаклашади.

Янги қарор меъёрларига асосан амалга оширилаядиган вазифалар орқали қачон ва қандай натижага эришилади, деган савол туғилиши табиий. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, белгиланган чора-тадбирларни вақтида сифатли бажариш орқали 2030 йилгача атмосферага зарарли моддалар чиқарилиши 10 фоиз камайишига эришилади.

Оддий савол туғилади: санаят корхоналари ҳам, узоқни яқин қиладиган уловлар ҳам барчамизга зарур даврда атмосфера ҳавоси ифлосланишини пасайтириш учун яна нималар қилиш мумкин? Бу борада энг самарали тадбир кўкаламзорлаштириш микёсини янада кенгайтириш, автомобиль йўллари четида, санаят зоналари ва йирик шаҳарлар атрофида табиий фильтрлар — "яшил майдон"лар барпо этишни жадаллаштиришдир.

Президентимизнинг айни пайтда атрофлича муҳомадан ўтаётган "Шаҳар ва аҳоли пунктлари атрофида" "Яшил майдон"ларни кенгайтириш, уларнинг табиий-рекреацион ва иқтисодий салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори лойиҳаси ана шу мақсадда ишлаб чиқилган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси ва манфаатдор вазирликлар томонидан кириштирилган мазкур ҳужжат қабул қилиниши билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "яшил майдон"лар ташкил этишга киришилади. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, хиёбонлар, автомобиллар ва темир йўллар четлари, ижтимоий объектлар, ташкилотлар худудини янада кўкаламзорлаштириш мақсадида давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш кўламини ошириш тартиби такомиллаштирилади.

Қарор лойиҳасига мувофиқ, ўз мажбуриятлари юзасидан юридик ва жисмоний шахслар компенсация тарзида дарахтларни "яшил майдон"ларга ўзлари ёки шартнома асосида учинчи шахсларни жалб қилган ҳолда ўтказди. "Яшил майдон"ларга экилаядиган дарахтлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси балансида бўлиши, муайян муддат ўтгандан сўнг ўрнатилган тартибда ўрмон хўжалиги давлат кўмитасига берилиши режалаштирилган. Алоҳида эътиборга молик жиҳат шундаки, "яшил майдон"ларни ташкил этиш, сақлаш ва ривожлантириш тадбирларини молиялаштириш ҳар йили тасдиқланадиган давлат дастури асосида амалга оширилиши назарда тутиляпти.

Иқтисодий тармоқларининг жадал тараққиёти даврида ишлаб чиқариш соҳаларига экологик тоза, энергия ва ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, транспорт тизимида ҳавони ифлослантирмайдиган сифатли ёқилғилардан фойдаланишга ўтиш омилатмосферани асрашнинг муҳим амалларидандир.

Атроф-муҳитнинг бугунги кундаги ҳолати, мавжуд глобал таҳдидлар ва минтақавий экологик муаммоларга оқилона ечим топишда янгича ёндашушни талаб этмоқда. Чунончи, БМТнинг 2030 йилгача бўлган давр учун Барқарор ривожланиш мақсадларини самарали амалга

оширишда иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси омиллари муҳим ўрин тутаяди.

БМТнинг Биологик хилма-хилликни сақлаш конвенцияси талабларини бажариш, ноёб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги флора ва фауна турларини сақлаш чораларини кўриш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда флора ва фауна турларини асрашнинг барқарорлаштириш, биологик хилма-хилликка тўғридан-тўғри бўладиган (таъсирлар) юкломаларни камайтириш, муҳофазаси этилаядиган табиий худудлар тизимини ривожлантириш, экотизим хизматларини таъминлаш ҳолда фойда микдорини ошириш ва бошқалар кўзда тутилган.

Мазкур стратегия доирасида Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан, умумий майдони 1,4 миллион гектар бўлган Жанубий Устюрт миллий табиат боғи ташкил қилиниб, муҳофазаси этилаядиган табиий худудлар майдони ҳозирга келиб 2017 йилдаги 4,64 фозидан 7,8 фозига ортди. Таъкидлаш жоизки, 2021 йил февраль ойида Судочье-Ақпетки давлат буюртма кўриқхонаси ташкил этилиши билан муҳофазаси этилаядиган табиий худудларнинг умумий майдони республика худудининг 8,5 фозига етди. Ўз навбатида, Сайғачий мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси ва янги ташкил этилган Жанубий Устюрт миллий табиат боғини Жаҳон табиий мерос рўйхатига киритиш учун ишлаб олиб борилмоқда.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш ҳисобига ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган, Ўзбекистон Республикасида "Қизил китоби"га киритилган ўсимлик дунёси объектларининг 97 фозини ва умуртқали ҳайвон турларининг 94 фозини муҳофазаси қилиш имконияти пайдо бўлаяди.

Бундан ташқари, Тўдақул ва Қуйимозор сув омборлари халқаро аҳамиятга эга учинчи сув-ботқоқлик худуди сифатида Рамсар конвенциясининг рўйхатига киритилди. Муҳофазаси этилаядиган табиий худудлар майдонини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг худудларида экотуризмни ривожлантириш тадбирини бажариш доирасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, муҳофазаси қилинган табиий шариотда дарахтлар 400 йилгача яшаса, йирик шаҳарлар хиёбонларида бу кўрсаткич 120 йилга тушиб қолаяди. Санаят зоналари ва катта йўллар атрофида эса дарахтлар 50 йилдан кўп яшамайди. Боиси, ушбу худуддаги заҳарли моддаларни ўзига ютиб, атмосферага тоза ҳаво чиқаради — манфаатлар мувозанатини таъминлайди. Ўрмон фондида кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш мuddати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилишига айни призма орқали қараш асл ҳақиқатни англашга кўмаклашади.

Бугун ҳар бир соҳа ислохот талаб қилмоқда. Шундай экан, мақоламиз аввалида айтганимиз, юртимиз келажаги, фаровон ҳаётимиз таъминоти йўлидаги ҳар бир эзгу ташаббус қадри ва ғоят долзарб. Шу маънода, мамлакатимизда соф экологик муҳитни асраб-авайлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳар биримизни оғоҳликка чорлаши билан бирга келажак авлодлар олдидаги бурчимизни англашга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

ФИДОЙИ АЖДОДЛАРИМИЗ

ЁШЛАРНИ ИЛМ-ФАНДА
ЮКСАЛИШГА УНДАГАН
МАЪРИФАТПАРВАР

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети
ректори

Шундай инсонлар бўладики, ўз ҳаётини, илмини, меҳнатини ватан ва миллат равнақи бахшида этади. Жаҳон тараққийига ўзининг беназир ҳиссасини қўшади. Мана шундай улғ аждодларимиздан бири Абдурауф Фитратдир.

Бухоронинг истеъдодли фарзанди Фитрат 1886 йилда Абдурахимбой оиласида таваллуд топган. Отаси ўз замонининг ўқимли кишиларидан бўлиб, саррофлик, кейинчалик савдогарлик билан шуғулланган. Онани Настар биби эса 1940 йилларда “халқ душмани”нинг онаси сифатида жуда ҳам хорликда ҳаёт кечирган.

Фитрат оилада тўнғич фарзанд бўлиб, укаси Абдурахмон ўтган асрнинг 10-йилларида Когон босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлаган. Синглиси Маҳбуба Раҳимова истеъдодли шоира бўлган ва гўзал шеърлар битган, аммо акиси туфайли истеъдоди шухрат тутмаган. Шеърлари чоп этиш ҳам тақиқланган.

Ижодий диапазонни кенг бўлган Фитрат дастлаб эски мактабда, кейин Мир араб мадрасасида таҳсил олган. 1909 йилда Бухорода ташкил этилган “Тарбияти атфон” жамиятининг ёрдами туфайли бир неча бухоролик ёшлар билан Туркияга бориб, Истанбулдаги дорулмуаллиминда ўқийди. Ўз иқтидор ва билимини доимо ошириб боради. Изланишдан, китоб мутолаа қилишдан сира чарчамайди. Айрим манбаларга кўра, Истанбулдаги ўқув юртларидан бирида дарс ҳам беради. Закий ва юртпарвар шоир “Бухоро тамими (умумий) маориф жамияти”ни ташкил этиб, Туркияга ўқишга келган ватандошларининг шу жамият атрофида уюшиши ва таҳсил кўришига раҳбарлик қилади. Ана шундай фидойи ва халқпарварлиги билан бутун турк олами забот этади. У илми, ижоди, фаолияти билан ўз даврида алоҳида ажралиб турган энг ёрқин сиймодир. Бу борада Садриддин Айний шундай дейди: “Бу даврнинг очiq фикрли ёшларидан бири Абдурауф Фитрат эди. У бухоролик талабалар ичидан энг қобилиятли ва фозилларидан бири ҳисобланар эди”.

Дарҳақиқат, Туркиядаги таҳсил ва ижтимоий-сиёсий вазият Фитрат дунёқарашида туб бурилиш ясади. У “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарлари, “Сайҳа” шеърлар тўпламини яратиб, нашр эттирди. Шоирнинг бу асарлари Бухорога етиб келди ва бухоролик ёшларни илм-маърифатга, юксалишга ундади.

1913 йилда Фитрат Бухорога маориф ва маданий-ижтимоий қурилиш ҳақида янги гоялар билан қайтиб келди. Қисқа муддатда Бухоро жаҳидчилик ҳаракатининг етакчи вакиллари билан бирига айланди. Унинг “Раҳбари нажот”, “Оила”, “Бегижон”, “Мавлуди шариф”, “Або Муслим” каби асарлари XX аср ўзбек публицистикаси ва драматургияси ривожига муҳим ҳисса қўшди. Фитрат педагог сифатида “Мухтасар ислом тарихи”, “Уку” каби дарсликларни яратди. Ислохотчи ва публицист сифатида “Хуррият”

газетасида кескир мақолалари билан чиқиш қилди.

Таъкидлаш жоизки, Фитратнинг Тошкентдаги энг катта хизматларидан бири “Чигатой гурунги” жамиятини ташкил этиши эди. Мазкур жамият уч йилгина фаолият олиб борган бўлса-да, фақат ўзбек тили ва адабиётининг эмас, умуман, ўзбек маданиятининг шаклланиши ва тараққийи тарихини бошлаб берди, десак, муболага бўлмайди. Фитрат Тошкентда яшаб фаолият кўрсатган даврларда “Уғузхон”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Темур сағанаси” каби асарларни ёзди. Ушбу асарларда ҳам мамлакатимизда ҳукм сураётган мустамлакачилик сиёсати ва унинг миллат тараққийидаги хавфи ҳақида рамзий-мажозий ишоралар асосида мулоҳазаларини баён этди.

Фитрат нафақат ижодкор, балки истеъдодли давлат арбоби эди. У 1921 йилдан Халқ маорифи нозир, бир йил ўтгач, хоржиия нозир, халқ хўжалиги йиғилишининг раиси, жумҳурият Марказий ижроия қўмитети раиси ўринбосари, Халқ Нозирлари Шўроси раисининг муовини, Хукумат план ва смета ташкилий ҳайъатининг раиси, Бухоро халқ шўролар жумҳурияти меҳнат кенгашининг Президиум аъзоси вазифаларида фаолият олиб борган. Хусусан, унинг ғайрат ва ташаббуси билан Бухорода шарқ мусиқа мактаби очилади.

Адиб ўз уйини шу мактабга беради ва бир қанча машҳур мақомчи ва ҳофизларни тўплайди. Ёшлар тарбияси ва келажаги билан жиддий қизиққан Фитрат ҳамда Фаизулла Хужаев 60 дан ортиқ ёшларни Германияга ўқишга юборди. Фитратнинг саъй-ҳаракатлари билан бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Бухорода давлат театрининг очилишида ҳам унинг хизматлари катта эди. Ватан ва миллат равнақи учун курашган аллома, Москва, Ленинград олийгоҳи талабаларига ҳам таҳсил берди. Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида ишлади. Шунингдек, Ленинград давлат университети уни профессорликка сайлади. У мазкур университетнинг шарқ факультетини профессор сифатида Шарқ халқлари тили, адабиёти, маданиятидан маърузалар ўқиди. Шу билан бирга, Москвада, “Абулфайзон” номли биринчи ўзбек трагедиясини ёзди ва нашр этди.

Москвадан Ўзбекистонга қайтгач, тилшунос олим сифатида “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир таъриба: Сарф (1-китоб), Наҳв (2-китоб)”, “Сарфи забони тожик” каби илмий асарларни яратди. Адабиётшунос олим сифатида эса “Адабиёт қоидалари”, “Энг эски туркий адабиёт намуналари”, “Ўзбек адабиёти намуналари”, “Форс шоири Умар Хайём”, “Аруз ҳақида” каби бир қанча илмий рисолалар яратдики, булар ҳозир ҳам ўз илмий қийматини йўқотмаган.

Абдурауф Фитрат қомусий олим саналади. Чунки “Шарқ шахмати”, “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” номли асарлари унинг серқирра

фаолият соҳибни эканини кўрсатиб туради. Абдурауф Фитрат нафақат турк оламида, балки Оврупо ва Россияда ижоди қизган бахсларга сабаб бўлган даҳо алломадир. Бинобарин, олим олимаси Ингеборг Балдауф ўзининг “XX аср ўзбек адабиётига чиқилар” номли китобида маърифатпарварлик ва жаҳидчилик ижтимоий-сиёсий ҳаракати кенг баҳо бериб, мазкур ҳаракат тараққийида Фитратнинг ўрнига муносиб баҳо беради. Ижодкорнинг “Шайтоннинг тангрига исён” асарини таҳлил этди. Академик А.Н.Самойлович эса “Турк халқлари адабиёти” китобидаги бир қанча мақолаларда Фитрат фаолияти ва ижоди ҳақида тўхталиб, унга юксак баҳо беради.

Ўз даврдан бошлаб то ҳозирга қадар эътирофларга сазовор бўлаётган қомусий олим Абдурауф Фитратнинг ҳаёт йўли, миллат тараққийидаги хизматлари биз учун ўрнак, албатта. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида унинг асарларини ўрганиш ва таъбиқ этиш ўта муҳим саналади. Биз ёшларимизга шундай буюк юрдошимиз, миллат ва Ватан йўлида фидойи аждодларимиз борлигидан фахрланиш туйғусини шакллантиришимиз зарур. Қолаверса, ёшларни уларга муносиб фарзанд бўлишга ўргатиш — масъулиятли вазифамиздир.

БЕБАҲО ХАЗИНА



Мамлакатимизда илм-маърифат тамаддунига катта ҳисса қўшган мутафаккир-алломаларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш, юртимиз ва жаҳонда кенг тарғиб қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРОСINI
ЖАҲОНГА ТАРҚАТУВЧИ МАСКАН

Шукурулло УМАРОВ,
Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори, ҳадисшунослик
ихтисослиги бўйича фалсафа
доктори

Жумладан, Термиз шаҳрида Абу Исо Термизий ва термизий алломаларининг ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш, ҳаётга кенг таъбиқ этиш, ислом динининг асл моҳиятини ҳамда ҳадис илми тарихи ва унинг эзгу гояларини тарғиб этиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Марказни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад эса Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини тереңроқ англаш, Имом Термизий каби юртимиздан етишиб чиққан алломалар ва мутафаккир зотларининг маънавий меросини чуқур ўрганиб, уни кенг миқёсда тарғиб этишдан иборат. Шу маънода Марказ олдида қўйилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунга қадар бир қатор самарали ишлар амалга ошириб келинган. Хусусан, муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг шоҳ асари — “Сунани Термизий”нинг ўзбек тилидаги таржимаси шарҳ ва изоҳлари билан нашрга тайёрланиши бунинг ёрқин мисолидир.

Шунингдек, “Буюк Термизийлар”, “Термизийнинг беъавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи”, “Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий”, “Термизий алломалардан олтин ўпитлар”, “Муҳаддис ва фақиҳ аллома”, “Икки улғу доғишман”, “Китобул илал”, “Муҳаммад Ҳаким Термизий рисолалари”, “Буюк юрт алломалари”, “Имом Абу Исо Термизий: ҳаёти ва ижоди саҳифалари”, Ҳаким Термизийнинг Қуръони каримдаги “Фотиҳа” ҳамда “Бақара” суралари тафсирига бағишланган китоби, Абу Жаъфар Термизийнинг “Нафси” асари каби 30 та китоб ҳамда бир қанча рисолалар нашр этилди. Бундан ташқари, Имом Термизийнинг “Сунан” асарининг ҳанафийлик йўналишидаги 10 жилдли шарҳи ўзбек тилига таржима қилинмоқда.

Дунёда ислом дини номидан ноҳилис тарқатилган ахборотлар, дин омилли билан боғлиқ турфа қарама-қаршиликлар, мафкуравий таҳдидлар ва ботил гояларнинг олдини олишда маърифат билан ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, марказда диний гояларни илгари сурадиган деструктив оқимларга қарши курашиш йўналишида мотивирий таълимоти ва унинг ёрқин намоёндалари борасида бир қанча тадқиқотлар ҳам олиб борилди.

“Мотуридия таълимоти ва Абу Муин Насафий илмий мероси” асарини ушбу йўналишдаги илмий изланишлар самара-

си, дейиш мумкин. Жумладан, Абу Муин Насафий ўз сулоласининг машҳур вакили, мотуридийлик таълимоти реформатори ҳисобланади. Айни унинг асарлари воситасида Абу Мансур Мотуридий қарашлари кенг жамоатчиликка тўшунарли, халқчил содда тилда етказиб берилган.

Таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларида ташкил этилаётган “Ўзбекистон — буюк алломалар юрти”, “Жаҳонга қарши маърифат” широи остида тарғибот учрашувлари ва маънавий-маърифий тадбирлар ҳам айни шу йўналишдаги ишларнинг узвий давомидир.

Президентимиз 2019 йил 17-18 октябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқлари ижроси бўйича ҳам илмий ишлар олиб борилиб, термизий алломалар меросига оид манбалар жамланди. Улар асосида тизимли тадқиқотлар ташкил қилинган.

Бундан ташқари, Марказ кутубхонасида сақланаётган ноқир асарларни саралаб, энг муҳимларини босқичма-босқич ўзбек тилига таржима қилиш ишлари бошлаб юборилган. 2021-2023 йилларда буюк алломаларимизнинг 10 та долзарб мавзулардаги асарлари изоҳли таржима қилиниб, халқимизга етказилиши режалаштирилган.

Алоҳида режа асосида “Имом Термизий”, “Ҳаким Термизий”, “Ҳожа Алоуддин Аттор”, “Абу Бакр Варроқ Термизий”, “Бурхониддин Термизий”, “Сўфи Оллоҳхўр”, “Ҳожа Самандар Термизий”, “Розиюддин Чоғоний”, “Адиб Собир Термизий” ва “Абу Жаъфар Термизий” каби 10 номдаги рисола нашр этилди. Ушбу рисолалар халқчил экани, тилининг равонлиги ва илмий асослангани билан аҳамиятли.

“Устоз — шоғирд” анъанасини давом эттириш мақсадида тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов ижодига бағишланган онлайн анжуман ташкил қилиниб, унинг номи Марказдаги манба-шунослик хонасига берилди.

Имом Термизий ва термизий алломаларининг бой меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланган. Бу бўйича илмий ходимларимиз 2020-2021 йилларда ташкил этилган халқаро онлайн конференция ва семинарларда мақола ва маърузалари билан фаол иштирок этди.

Халқаро ҳамкорлик масалалари ҳам марказ мутасаддиларининг доимий эътиборида бўлиб, бу борада Туркиянинг Карубу университети, Саудия Арабистонининг Риез шаҳридаги “Информация ва араб-рус тадқиқотлари” маркази ҳамда Ислам тарихи, санъати ва маданиятини ўрганиш бўйича халқаро маркази (IRCICA) билан ўзаро ҳамкорликка оид меморандум имзолангани таъкидлаш ўринлидир. Марказ томонидан Ўзбекистон билан Туркия, Буюк Британия, Франция ва Покистон давлатлари ўртасида тузилган “Йўл харита”ларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳам тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларнинг қўлзма ва тошбосма асарлари нусхала-

рини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ҳиндистоннинг “Razo library in Rampur” ва “Khudo Bakhsh library in Patna” кутубхоналари билан ҳамкорликда мазкур қўлзма фондларидаги 50 га яқин термизийлар меросига оид асарлар ўрганилди. Шунингдек, дунё фондларида сақланаётган термизий алломалар асарлари аниқланиб, уларнинг электрон нусхаларини юртимизга келтириш чоралари қўрилмоқда.

Ҳозирда республикамиз ва хорижда сақланаётган қўлзма асарларни ўрганиш бўйича Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидagi Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатда сақланаётган 1400 дан зиёд қўлзма тавсифини ўз ичига олган “Термизийлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлзмалари каталоги” нашр этилди. Сурхондарё вилояти аҳолисида сақланиб келаётган аждодларимиз меросига оид қўлзма ва тошбосма асарлар билан Марказ кутубхона фонди мунтазам бойитилмоқда.

Термиз шаҳридан етишиб чиққан улғу муфассир, муҳаддис, мутакаллим, мута-саввиф ва фақиҳларнинг буюк хизматлари натижаси ўлароқ, бу шаҳар ҳақида тарихий манбаларда юксак эътирофлар битилган. IX асрда яшаб ўтган муаррих Абу Аббос Яъқубий “Термиз — шаҳарларнинг онаси бўлган шонли шаҳар”, деб таъкидлагани



ёки “Термиз — мадинатур риқол” (Термиз — мардлар (олимлар) шаҳри), деб эътироф этилиши бу заминдан қўлаб улғу алломалар етишиб чиққанидан далолат беради.

Бугунги даврнинг етук ҳанафий олимларидан покистонлик муҳаддис Шайх Тақий Усманий юртимизга қилган таъшири чоғида: “Саҳиҳи Бухорий” ва “Жомии Термизий” асарларини ўқимаи олим бўлиш мумкин эмас. Мовароуннаҳр дёвридан етишиб чиққан бир қанча ислом намоёндалари бор. Бу диёр улаомларининг сўзлари ҳаммага ҳужжат бўлиб келган ва ҳанузгача уларнинг асарлари энг мўътабар манбалар қаторидан жой олган. Буларнинг барчаси сизлар учун фахридир. Буларнинг меросини ўрганиш ва ўргатиш, бутун дунёга тарқатиш сиз ҳақлисиз ва сизлар масъулсиз”, деб алоҳида эътироф этди.

Дарҳақиқат, Марказ томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ва маънавий-маърифий тадбирлар негизда Ислам дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва термизий алломаларининг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз азал-азалдан улғу алломалар ва азиз авлиёлар ватани бўлиб келганини юрдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни эзгу гоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришга қўмлаштишдан иборат бўлган олий мақсадлар мумкин.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1533.
79242 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улғубек Асроров
Мусахҳи: Ойдин Алёутдинова

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:25 Топширилди — 01:15